

Табий газни у-луурчи иетельмолчи, лари етказиб берини ва кабул килини

ШАРТНОМАСИ

2022-й. 8-09 04/27 сон Фирма шадри (шартнома тузилган жери)

Ином асосда фозилит юртивачи 1 Бологор гүмүрчөсү мөжм. мөжмөдөсө

(кейинги уринларда "Иетельмолчи" деб аталади), ролбор В.Ширинжов Р. бир көмөрдан Иномга асосан фозилит юртивачи "Хулу-Даз Фирма" газ гальмолоти фозилит (газ тальминоти турак юртивачи) юртивачи "Етказиб берувчи" деб аталади), директор Т.Кочкаралбаев юртивачи тизмелди, кудилдагылар түгүрисида маанур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи у-з иммолесига газ тармолари оркади Иетельмолчинониг келишилган буюртномаси буйича табий газ (кейинги уринларда газ деб аталади) етказиб берини мажбуриятини олады. Иетельмолчи жа у-з иммолесига ушбу шартномонине 1.4-бандида курсатилган хажмада газни кабул килини мажбуриятини олады хамда у-дуваларни белгиланган парх буйича у-з мулдагыла амалга оширады.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномога ва талаштырмаш лоймолесига мувофиқ, салдан фойдаланыш у-уун стандартлаштырылган ва сертифицирлганга эга газ курстволари, шунингдек, газни хособлаш приборлари (кейинги уринларда хособлаш приборлари деб аталади) маажуд булганга етказиб береди.

1.3. Иетельмолчи Етказиб берувчига тасдикланган мезгилдеги (Табий газдан фойдаланыш кондалариниң б-бандига) асосан ишазб чигарилалган максуратта (баси курсатилалган хажмат) ишсбатын келтуси йилда газга асосаланган мийкезин такдим этеди.

Иетельмолчи жерий йилиниң 15 июль кунига кадар келтуси йилда иетельмолчинониг тахмини келиндетган газ хажми буйича буюртма береди.

1.4. Иетельмолчи билди келишилган буюртма буйича етказиб бериланган газ хажми таланик шартларда белгиланган бөлүм ва хажмада 2021 йилда 90909 куб.м. парх 558890 юртивачи сүзүни ташкыл кылды, жумладан чораклар ва ошлар буйича кудилдагыча тасвирланиди.

Table with 4 rows (I-IV чорак) and 2 columns (куб.м., Минг). Includes handwritten values like 90909 and 50909.

Етказиб берувчи томондон алынганларини у-уун хажмада курсатин у-уун магнетрал ва газ таксимоти, тарбелелариниң иммолесига у-уун чигариланган таксимоти, У-эбхлестон Республикасиен Даирелер Макулесимининг 2008 йил 24 декабрь куни 277-сон карорига каюд этилган стрателер ва ажылдагы кудилдагыча тасвирланиди. 20 йилдан зарур булган табий газни хажми мажбуриятини олады. Иетельмолчи берувчи мажбуриятини олады. Иетельмолчи берувчи мажбуриятини олады. Иетельмолчи берувчи мажбуриятини олады.

Table with 4 rows (I-IV чорак) and 2 columns (куб.м., Минг). Includes handwritten values for each quarter.

1.5. Алар, Иетельмолчи ошлар буйича булган буюртмамогани такдим этмаса, Етказиб берувчи томондан чорак у-уун акратилган табий газ хажми ошлар буйича бир мил миклорда таксимоланды.

1.6. Етказиб берувчи Иетельмолчи буюртмаларини табий газ ресурслариниң ва газни таксимоланиң тасдикланган балансига мувофиқ акратилган хажмлар доирасида каюга куйиб чигилиш мүмкени. Иетельмолчи томондан лавбатлаган ой (чорак) у-уун курсатилган табий газ хажмлари у-уун буйича 10 кун олани газ тальминоти ташкылотига хабар берган такларда, булай холат орликса оланиган газ миклори лоб хособланмайдан.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномога каюд этилган (1.4-банд) мулдагыларда ва хажмларда хамда ГОСТ 5542-2014 (Санюг ва коммунал фойдаланыш у-уун табийи буювчи газлар) га мувофиқ таргали табийи газни етказиб бериледи.

2.2. Иетельмолчи Етказиб берувчиноди ушбу шартномонинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жерий ой у-уун газ иетельмолчинониг сукталык мезгил доирасида газ кабул килиб олады, шунингдек, ой охирида туулган газ етказиб берини ва кабул килини тасдикланганга иммолесиди.

2.3. Етказиб берувчи Иетельмолчига 24 соат ичида газ етказиб берини ва кабул килини шартлари у-уун таргалини түгүрисида барча у-уунлар оркади Иетельмолчинони хабарлар юзалиши шарт.

Етказиб берувчининг шариҳ-диспетчер мизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи маълуми ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кимсартирилишига ҳақлар ҳамда 24 соат давол бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қурулмида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кимсартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулмиларининг технологик иш режимида бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида иккимоний соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини оголдинтиртак ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчин эса захира ёқилғи туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашиниш таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўла тутиши ва уни етарли ҳақдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шикоятланган шарт, Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газли фойдаланиш ускуналаридан сўз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиши ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирлиниши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолатда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартлари олиши шарт. Газ тармоқларига уланishi Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов режимолидаги ўлғатриш ҳолатларида улар худлик билан бир-бирини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмола қилиш режимидаги ағона узлуксиз технологияга жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланishi ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м³ газ олинди: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва қарбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтириладиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси таълими тегишли қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТТХНАТ-АСКУТ) ларига уланishi лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z DSt 8.031:2008 "Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрилар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қийслов кўригидан ўтказилган сертифицикати ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қийслов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қийслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг

тарихий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказилишиг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кўрслов кўриги/калибрилаш, торайтиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўриштириш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўриштириш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ этаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кўрсолош кўриги/калибрилаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўриштириш техник ва ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўриштириш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ этаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексининг этаси қақорлади.

3.12. Газ ўлчаш приборлар ва ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишिलाди.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, эют ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг этаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишни таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва ёки ўлчаш комплексининг газ хажмининг ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрилагади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўриятилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг тарихий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонуқчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ва ёки ўлчаш комплексларига тўғриқавз киришни таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекс ва ўлчаш приборлари ишлаб чиқарилиши ҳолатлар юзига келган тақдирда O'z DSt 8.064-2017 бўйича газнинг миқдори хисобланади (корректировка). Ўлчаш қурilmаси ва ёки ўлчаш комплекс фаолиятига руҳсатсиз арақлиши ҳолатлари бундан мустафо.

3.17. Олинган газ учун хисоб-китоб, куйидаги ҳолатларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни хисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни хисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмоли қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузишдан кундан аннқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) хисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузишдан кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) хисобга олиш прибори бузилганда (хисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бақчаларини инобатга олган ҳолда бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) хисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – кўрслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – хисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан кўрсолодан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўриятилган кунгача бўлган вақтга;

д) хисобга олиш приборини кўрсоло кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – кўрсоло кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан кўрсоло кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўриятилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчилик ечиб қуйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аннқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қурурларида ёки ГПларда асбоб-ускуналар ўриятилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аннқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташиқ таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмоли қилиш ҳолатлари аннқланганда – ташиқ таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар арақлашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан орттик бўлмаган муддатга.

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сақланмаган архив маълумотларини бўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан хисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг олсратив журналлардан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизим жорий қилинган истеъмолчиларда хисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда истеъмоли қилинган табиий газ

ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҒҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинлади);

а) газ истеъмолчи ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлмаша, пломбаланмаган газ жихозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳаглолдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, ҳаглов далолатномаси манжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вақили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) таъминоти ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан кўшимчи газ қурилмаси ўрнатилган ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аяжкомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослаштирувчи ҳужжатлар манжуд бўлганда) — бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини дастқи чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг мезъарий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг дастқи чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томондан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бўлиган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Устаслар» агентлиги бўлимида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилмаган учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказишни талаб қилган Тариф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат иенда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарини ишлаш графикаси тузинини ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб ташлаишишни таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўриқ ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин дийао муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSI 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи макур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунийликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қаида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билаириги тартибда мурожаат қилишга ҳаққидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қаида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотиининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоринда олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдидави тўловениз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайдн (стратегик ва иқтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар буидан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойининг 10 санасига қалар ливални ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва иқтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугалгандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аване тарзида тўлаиан маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса қелгуекага таздан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томондан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмдан ва газ таъминоти ташкилоти билан

олдиндан келишимасдан газ олиниги тақдирда, Истеъмолчилдан шартномадаги хажмлардан ортқича олинган табиий газ қийматиға нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов уюндирилади.

Бундан белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириши, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соzлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчиға аломатдор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, киска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқландиганили сабабли истеъмол қилинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қувватни бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортқи хажмларини ташқиш қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддатни ўтган қарзи маъжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўловни ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолатда тўлов муддатни ўтган қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўловни сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддатни ўтган хар бир кун учун муддатни ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, лекин муддатни ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиغان миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойнада етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вақиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларини ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилиши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меърадар бўйича ҳисоб-китоб қилинган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолатда орқали аниқланади.

4.13. Шартноманиннг 4.12-бандида асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кушига қадар Етказиб берувчи томондан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчиға Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчил қуйидаги техник ҳужжатлар маъжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотираسدан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчиға тасдиқ этиладиган, Истеъмолчининг бўлиши чегарасида бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотилларнинг хажми тўртасидаги далолатноманиннг маъжудлиги; Бундан Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотиллар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмадан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчиға жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламастик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини маъжурый акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугатилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманиннг бир нусхасини Етказиб берувчи вақилига тасдиқ қилади. Ушбу маълуми ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишимовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчилдан дебитор қарзларини ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускумасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (ишхлар) ўзгарганда, Етказиб берувчи бу ҳақилдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, маъжур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга қирганидан сўнг амалга оширилади.

V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН ИКОНОУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томондан маъжур шартноманиннг 3.17. ва 4.18.-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вақиллари томонидан имзоланилган ва икки нусхала тузилдиغان далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманиннг 5.1-бандида асосан расмийлаштирилган далолатномаға мувофиқ Истеъмолчилдан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Булда мажур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хизми қийматининг ўндирилган Истеъмолчининг консулчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вақтларини газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олинш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюрмаларга етарли миқдорда олинган тўловлар амалга оширилмаганда;

Етказиб берувчининг ва «Ўзнефтьгаз инспекция»нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

ҳисоблаш приборларига касалдан зарар етказилганда, прибор ҳағти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

Газдан фойдаланиш қондаларига энд равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тароқ қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бундан Етказиб берувчи газ таъминотининг ўндирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарлиқнинг ўз зиммасига олмайд.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги консулчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн барлари миқдоридан ҳақ ўндирилади. Шартноманинг 13.1-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва шаврат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) дариға уланиш истеъмолчиларини масофадан қайта улаш учун ҳақ ўндирелмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини сўз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларини аниқлаш учун даврий кўздан кечирish;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларини хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналарида олинган архив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамдада уч йил мобайнида ўзидан сақлашнинг таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғига қадар табиий газ таъминотини қўшимча етказиб беришнинг зарурлигини таъминлаш;

табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тароқ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

Истеъмолчиға газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

қонулла назарда тутилган тартибда монополияға қарши даълат органининг тақдирномасига асосан шартномаға ўзгартиришлар киритиш;

Етказиб берувчи ва вақолатли даълат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларининг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларға профилактика хизмати кўрсатиш;

Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мuddat ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи консулчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларға ҳам эға бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларға эға:

техник заруриятға қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилиш ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқдан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонуний ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

тўриқлаштириб билан муносабат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили " _____ " йил 31 декабр сависига" амал қилдилари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича лавозлари лаво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқолади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Томонлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзаро музокара бўли билан ҳал этилади. Томонлар ўзаро келишуга эришмаган тақдирда иншо жавобгар жойлашган жойдаги тегишли суд томонидан ҳал қилинади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бари учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

1. Филмалнинг табиий газ хисоби ва тижорат бўйича директор ўринбосари;
2. Шаҳар, туман газ таъминоти бўлим бошлиғи;
3. Филмалнинг шартномавий-ҳуқуқий бўлим бошлиғи;
4. Филмалнинг юридик шахсларга табиий газни етказиб беришни мувофиқлаштириш хизмати бошлиғи;
5. Филмалнинг энергоресурлар баланси бўлим бошлиғи;
6. Метрология филиали бошлиғи;
7. ИКТ бўлими (Фосса дастури бўйича маъсул ходим);

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»</p> <p>«Худудгаз Фарғона» газ таъминоти филиали</p>	<p>«ИСТЕЪМОЛЧИ»</p> <p>2-б. 4. 1. 11.</p> <p>(бюджет таъкилотлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар номи)</p>
<p>Почта Манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси №76-уй</p> <p>Тел./факс: 73-229-04-13</p> <p>Х/Ҳ: 2263400405713960448</p>	<p>Почта манзил: <u>Бўёқчи Маъмурият 77 йа.</u></p> <p>ОКПО коди: <u>91700</u></p> <p>ОКЭД</p> <p>Мулоқот телефони: <u>542-14-65</u></p> <p>Ғал/Х:</p> <p>Банк номи: <u>Узсаноатқурильишбанк</u></p> <p>Рақат филиали</p> <p>МФО: <u>00435</u></p> <p>ИНН: <u>306 605 769</u></p> <p>ОКЭД: <u>35220</u></p>
<p>Р: _____</p> <p>Ахбар: <u>У. Каримов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Издоси: _____</p> <p>Мухр-урин _____</p>	<p>Х/р: <u>23/04/2020</u> (таъминлик бўлими номи)</p> <p>Рахбар: <u>З. Шайхмуродов</u> (Ф.И.Ш.)</p> <p>Издоси: _____</p> <p>Мухр-урин _____</p>
<p>Юридик маслаҳатчи: _____</p> <p>(Ф.И.Ш.)</p>	<p>Юридик маслаҳатчи: _____ (сана)</p> <p>(ИМЗО, МУХР)</p>

19

JK *Qarimov*